

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 12 » августа 2019 г.

№ 663

Toshkent sh.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази  
хузурида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш  
соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини  
ташкил қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ–4056-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлат органлари ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали механизмлари ва тартиботларини шакллантириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари учун БМТнинг устав ва шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини, шунингдек, муқобил маърузаларни тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар сўровларига жавоблар юбориш юзасидан ўқув курсларини ўтказиш юқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикиси Миллий маркази хузуридаги Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази хузуридаги Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида Малака оширганлик тўғрисидаги сертификат намунаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларининг (кейинги ўринларда Ўқув курслари деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини қонун ҳужжатларига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида аниқ тушунчани шакллантириш;

илгор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилишини ташкил этиш тартиботларини ўрганиш;

Ўқув курслари тингловчиларида ўз фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича таҳлилий кўникмаларни шакллантириш;

давлат бошқарувининг алоҳида секторларида вазиятни тизимли назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тегишли соҳасидаги тараққиётдан далолат қилувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (индикаторлари)ни аниқлаш кўникмаларини ўргатиш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича самарали ахборот-маърифий ва таълим фаолиятини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режаларини бажариш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш;

инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокамаси бўйича тадбирларни мунтазам асосда ўтказиш.

#### 4. Белгилансинки:

Ўқув курсларига ўқув-методик раҳбарлик қилиш ва бу курслар фаолиятини ташкил қилиш Марказ томонидан амалга оширилади;

Ўқув курелари тингловчиларининг контингенти ва ўқитиш жадвали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг буюртманомалари бўйича бошқарув ходимлари орасидан Марказ томонидан шакллантирилади;

Ўқув курсларида ўқув машғулотларини ўтказиш меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида Марказ, етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, шунингдек, амалиётчи мутахассислар томонидан амалга оширилади;

Ўқув курсларига ўқишга юборилган тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даврида сақлаиб қолади;

бошқа шаҳарлик тингловчиларга турар жойни ижарага олиш ва таълим олиш жойига бир марта бориб келиш бўйича сарфлаган йўл харажатлари,

суткалик тўловлар уларни юбораётган ташкилот томонидан хизмат сафари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар ва тартибда қопланади;

Ўқув курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш, шу жумладан, ўқув, тарқатма материаллар ва идора ашёларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва донорлик маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Марказ икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ўқув курслари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўқув курсларида машғулотларни ўтказиш учун етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби ва етакчи амалиётчи мутахассислар жалб этилишини, шунингдек, ўқув жараёни ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, илғор педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини таъминласин.

6. Ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йил 15 августдан бошлаб Марказ ходимлари (шу жумладан, ёрдамчи ходимлар) лавозим маошига 50 фоиз миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгилансин.

Буида бошқарув ходимлари ва ёрдамчи ходимларнинг ҳар ойлик устамаларини белгилаш бўйича қарор белгиланган тартибда Марказ директори томонидан қабул қилинади.

7. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар бошқарув ходимларидан иборат мутахассисларини ҳар йили Марказга йўналтириш йўли билан инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари бўйича профессионал ўқитиш учун уларнинг касбий даражасини мунтазам оширишни амалиётга жорий этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Марказнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2019 йилда ушбу қарорни амалга ошириш, шу жумладан, мини-босмаҳона сотиб олиш ва Ўқув курслари ташкил этиш харажатлари билан боғлиқ бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида 2020 йилдан бошлаб Марказ харажатларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Х. Саидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил "12" августдаги 663 -сон қарорига  
1-илова

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази  
ҳузуридаги Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида  
кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари (кейинги ўринларда Ўқув курслари деб аталади)нинг мақсад ва вазифаларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўқув курслари давлат органларининг бошқарув ходимлари ва фуқаролик жамияти институтлари мутахассисларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш масалалари бўйича касбий малакасини оширишга қаратилган.

Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият олиб боровчи фуқаролик жамияти институтлари ходимларини Ўқув курсларида ўқитиш тавсиявий тусга эга.

3. Ўқув курслари учун тингловчилар таркибини шакллантириш давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг буюртманомалари асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) амалга оширилади.

4. Ходимларни Ўқув курсларида ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда буюртмачи ташкилотлар деб аталади) ташаббуси бўйича ташкил қилинади.

**2-боб. Ўқув курсларининг мақсад ва вазифалари**

5. Ўқув курсларининг мақсади инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича кадрларнинг касбий билимлари, маҳорат ва кўникмаларини мунтазам янгилаш, БМТнинг устав ва шартномавий органларига Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларини тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини бажаришдан иборатдир.

### 6. Қуйидагилар Ўқув курсларининг вазифалари ҳисобланади:

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини қонун ҳужжатларига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида аниқ тушунчаларни шакллантириш;

илғор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилишини ташкил этиш тартиботларини ўрганиш;

Ўқув курслари тингловчиларида ўз фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича таҳлилий кўникмаларни шакллантириш;

давлат бошқарувининг алоҳида секторларида вазиятни тизимли назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тегишли соҳасидаги тараққиётдан далолат қилувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (индикаторлари)ни аниқлаш кўникмаларини ўргатиш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича самарали ахборот-маърифий ва таълим фаолиятини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режаларини бажариш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш;

инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокамаси бўйича тадбирларни мунтазам асосда ўтказиш.

### **3-боб. Ўқув курслари фаолиятини ташкил қилиш тартиби**

7. Тингловчиларнинг Ўқув курсларида таълим олиши ишдан ажралган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ Марказ томонидан ташкил қилинади.

8. Ўқув курсларида ўқитиш ҳажми 36 соатни ташкил этади. Ўқув юкламасини режалаштиришда тингловчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув юкламасининг умумий ҳажми инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар талаблари, БМТнинг шартномавий органлари ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий ҳисоботи бўйича берган тавсияларидан келиб чиққан ҳолда фанлар блоклари бўйича таксимланади.

9. Буюртмачи ташкилотлар ҳар йили 20 ноябргача бўлган муддатда санасига қадар Марказга номзодлар рўйхатини тақдим этади.

Марказ буюртмачи ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили 1 декабргача Ўқув курслари тингловчиларининг контингентини шакллантиради ва тасдиқлайди.

10. Тингловчилар Ўқув курсларига тасдиқланган режа-жадвал асосида Марказ директорининг буйруғи билан қабул қилинади.

11. Ўқув курсларига ўқишга юборилган тингловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинади.

12. Марказ:

Ўқув курсларининг фаолиятига ўқув-методик раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ўқув курсларида малака ошириш ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, уларнинг мунтазам янгиланишини таъминлайди;

малака ошириш тизими механизмлари ва усулларини такомиллаштириш чораларини кўради;

малака ошириш тизимига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий қилади.

13. Буюртмачи ташкилотлар:

кадрлар малакасини ошириш қамровининг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилганлиги учун масъул ҳисобланадилар;

инсон ҳуқуқлари бўйича асосий конвенцияларнинг қоидаларини бажариш бўйича миллий маърузалар учун ахборот тайёрловчи ходимлар орасидан ўқитиш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар ва улар контингентини шакллантирадилар;

назарий ўқитишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, амалий машғулотлар ва стажировкалар ўтказилишини таъминлайдилар;

Марказга статистик, ахборот-таҳлилий материалларни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти умумлашмалари ва материалларини тақдим этадилар, ахборот-ресурс базасини ривожлантиришга кўмаклашадилар.

#### **4-боб. Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва тингловчилар билиминини баҳолаш**

14. Ўқув курслари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммолар инобатга олинган ҳолда тасдиқланган ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

Ўқув дастурлари ҳар йили инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва унн химоя қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари асосида такомиллаштирилади.

15. Ўқув курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади:

маъруза;

интерактив семинар;  
амалий машғулот;  
сайёр машғулот;  
тажриба алмашиш;  
муस्ताқил таълим.

16. Машғулотлар асосан интерактив шаклда, шу жумладан, “аклий хужумлар”, “кейс стади”, “жамоа бўлиб ишлаш”, “давра суҳбатлари” ҳамда билимлар ва кўникмалар беришнинг бошқа замонавий шаклларида ўтказилади.

Ўқув курслари тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база асосида масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил қилиниши ҳам мумкин.

17. Барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани ташкил этади, ўқув машғулотлари оралнғидаги танаффус – камида 10 дақиқадан иборат бўлади.

18. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни тингловчиларининг сони, қондга кўра, гуруҳларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда камида 15-20 кишидан иборат академик гуруҳларда ташкил қилинади. Машғулотлар тингловчиларнинг қайси тилни афзал кўришлариға боғлиқ ҳолда давлат тилида ва рус тилида ҳам олиб борилади.

19. Узрли сабаблар билан (ҳужжатлар асосида тасдиқланган касаллик ёки бошқа сабаблар) ўқишни давом эттира олмайдиган тингловчилар ўз аризасига кўра тингловчилар сафидан чиқарилади.

Курслар тингловчилари узрсиз сабаблар билан 12 соатдан кўп ҳажмдаги машғулотларда қатнашмаганлиги учун тингловчилар сафидан чиқарилади. Курсдан чиқарилган тингловчилар курсни ўتماган ҳисобланади.

20. Курсга келмаганлигининг ҳолисона сабаблари бўлганда тингловчи кейинги гуруҳларда курсни ўтиш жадвалиға киритилади.

21. Ўқув курсларида машғулотлар ўтказишға шартнома асосида етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари, хорижий мутахассислар ва амалиётчи мутахассислар жалб қилинади.

22. Курслар тингловчиларининг бнлими суҳбат (тест синови) асосида баҳоланади. Ўқув курслари тингловчиларининг билимини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун инсон ҳуқуқларн соҳасидаги етакчи мутахассислар орасидан камида 3-5 кишидан иборат комиссия шакллантирилади.

23. Билимларни баҳолаш жараёниға узрли сабаб билан иштирок этмаган тингловчилар навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда иштирок этишлари мумкин.

24. Ўқитиш таълим дастурларини муваффақиятли ўтган тингловчиларға давлат намунасидаги сертифкат берилади. Суҳбатдан (тест синовидан)



ўтмаган тингловчиларга малака ошириш ўқув дастурини ўзлаштирмаган шахслар учун маълумотнома берилади.

### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

25. Ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, курслар тингловчилари учун ўқув, тарқатма материаллар ва идора анжомларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва донорлик маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

26. Давлат органлари ходимларини Ўқув курсларида ўқитиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар вакилларини Ўқув курсларида ўқитиш харажатлари шартнома асосида амалга оширилади.

Асосий иш жойидан ажралган ҳолда бошқа ҳудудлардан ўқишга юборилган шахсларнинг таълим олиш жойига бир марта бориб-келиш харажатлари, хизмат сафари харажатлари буюртмачи ташкилотларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

27. Ўқув курсларида таълим олиш тўлови миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказ томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “12” августдаги 663 -сон қарорига  
2-илова

**Малака ошириш ҳақида  
СЕРТИФИКАТ  
(тавсифи)**

Давлат намунасидаги малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғоздаги варақда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: мати учун – қора рангда, расмлар тасвири учун – яшил, кўк, кизил рангларда, фон учун – оч кулранг рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат кўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузининг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметри оқ айлана жойлашган.

Варақнинг юқори қисми марказида лотин ёзуви ҳарфларида “INSON HUQUQLARI BO‘YICHA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZI” сўзлари босилади, пастроқда – “Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT”, пастроқда – лотин ёзуви ҳарфларида МО қисқартмаси ва олти рақамли сондан иборат сертификат рақами босилади. Барча матн нақли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули – офсет ва юқори усули;

ёруглик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рапгларни ташкил этиш;

маҳсуе қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтига ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат герби тасвири

**INSON HUQUQLARI BO‘YICHA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZI**

**Malaka oshirish haqida**

**SERTIFIKAT  
MO № 000000**

\_\_\_\_\_  
(Mutaxassisning familiyasi, ismi, otasining ismi)  
20 \_\_ yil \_\_\_\_\_ dan 20 \_\_ yil \_\_\_\_\_ gacha  
Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazida jami soatli

\_\_\_\_\_  
(Malaka oshirish kursining nomi)  
bo'yicha malakasini oshirdi.

Muhr o'rnini

Markaz direktori \_\_\_\_\_

Sana \_\_\_\_\_

Qayd raqami \_\_\_\_\_